



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
4 ноябрь
ШАНБА
№ 89
(11.892)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ЎЗАРО МУСТАҲКАМ ИШОНЧ – МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 3 ноябрь куни амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди

Тили ва дини бир, тарихи умумий ва маданияти муштарак бўлган Ўзбекистон ва Қозғоғистон халқлари азалдан бир-бири билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Яқин кўшнчилик муносабатлари биз учун тарих тақозоси ва аждодларимиздан қолган бебаҳо меросдир. Биз бир дарёдан сув ичамиз.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Қозғоғистоннинг бир-бирига таянч ва суянч бўлиб яшаши янги мазмун касб этди. Ўзаро ишончли ва манфаатли алоқалар ривожланди, юқори босқичга кўтарилди. Марказий Осиёнинг раванқида, минтақа барқарорлигида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Қозғоғистон раҳбарларининг мунтазам учрашув-

лар ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама қилиб бориши мамлакатларимиз ва минтақамиз манфаатларига, замон талабларига мос бўлган ибратли амалиётдир.

Жорий йилда Ўзбекистон-Қозғоғистон муносабатларида катта ўзгаришлар рўй берди. Ислон Каримовнинг Қозғоғистонга, Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифлари амалга ошди. Президентларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти саммитлари доирасида бир неча бор учрашдилар.

Шу йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Қозғоғистон саммитида мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор

қилинди. Сентябрь ойи бошида ўтган Остона саммитида бу келишув расмийлаштирилди – протокол имзоланди. Шу тарихи Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, Ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг ноёб механизми яратилди.

3 ноябрь куни "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг норасмий учрашуви бўлди. Одатда норасмий саммитда қатъий белгиланган кун тартиби бўлмайди, мулоқот янада эркин, очиклик ва ишчанлик руҳида ўтади.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон-Қозғоғистон муносабатларига, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани яна бир бор қайд этилди. Томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга қарашлари бир хил ёхуд яқинлиги таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара самарали кечгандан мамнуният билдириб, мулоқот Ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Мазкур учрашув (Давоми 2-бетда).

Ҳақон маданиятининг ноёб маънавий ёдгорликлари асрлар оша халқларга хизмат қилиб келмоқда. Хоразм диёрида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналар маънавий-маданий тараққиёт марказларидан бири – Хоразм воҳасининг тарихи ва бетакрор ўтмишига ташланган янги бир назар бўлди, десак янглишмаймиз.

МАЪРИФАТ ЧИРОФИ МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Мустақиллик йилларида воҳанинг қадимий маънавий бойликларини ўрганиш ва қайта тиклаш йўлида жуда катта ишлар қилинди. Давлатимиз раҳбарининг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони бу борада залворли қадам бўлди.

Нихоят, жуда катта тайёргарликлардан кейин бу илм-фан ўчоғи ташкил этилганлигининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан Хива шаҳрида кенг кўламли курилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўчалар таъмирланиб, кенгайтирилди. Ички сугориш тизими тубдан янгиланди. Марказий стадион таъмирдан чиқарилиб, спортчилар учун барча шароитлар яратилди. Хоразм Маъмун академияси биноси қайтадан реконструкция қилинди. Унинг олдида хиёбон, турли рангда товланувчи фавворалар барпо этилди. Бу ишларнинг ҳаммаси шаҳар чиройига чирой қўшди.

Юртбошимизнинг тавсиялари ва маслаҳатларига қўра, қайта ташкил этилган Академия олимлари қисқа муддатда Хоразм воҳаси учун зарур бўлган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш, туپроқнинг унумдорлигини тиклаш, худуднинг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Экинларнинг шўрга чидамли навларини яратиш, миллий давлатчилик тарихини ўрганиш бўйича йирик илмий тадқиқот лойиҳалари тайёрланди.

Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналарида хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, кўп сонли меҳмонлар ҳозир бўлишди. Юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хоразм заминига ташриф буюрди. Тантанали маросимда давлатимиз раҳбари катта нук сўзлади. «Хоразм Маъмун академияси

умумбашарий цивилизация ривожига ўрни ва аҳамияти жиҳатидан, – деб таъкидлади Юртбошимиз, – машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб, Шарқ мусулмон Ренессанси – Уйғониб даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади».

Давлатимиз раҳбари қадимий тарих, бой илмий-маданий мерос, улуғ алломаларнинг ворислари бўлиш ҳар биримизда ифтихор туйғуларини уйғотишини алоҳида таъкидлади. Табиийки, буларнинг ҳаммаси ҳар биримизнинг зиммаимизга ана шу аждодларга муносиб бўлишдек жуда катта масъулият ҳам юклайди.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн ўз нутқида Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, бебаҳо маданияти, асрий анъаналаримиз ҳақида мароқ билан гапирди.

Юбилей арафасида Маъмун академияси янада кенгайтирилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда Академия жуда катта экспериментал базага эга. Унинг бағрида юзлаб олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Дунёнинг турли йирик тадқиқот марказлари билан Ўзаро илмий-амалий алоқалар кенгайиб бормоқда. Академия ҳузурда 16 миң 600 нуска китоб фондига эга бўлган кутубхона, замонавий ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатаётир.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги шарофати билан табаруқ заминимизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мўтабар зотлар хотираси яна бир бор ёдга олинди. Юбилей тантаналари ёш авлоднинг Ватанга, унинг бой тарихига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Буюк олим ва мутафаккирлар, енгилмас саркардаларга бешик бўлган бу муқаддас замин аждодларимиз шавкатли ишларининг давомчилари бўлган бугунги авлод вакилларига куч-қувват бағишламоқда, кудратли қанот бўлиб хизмат қилмоқда.



Ўқувчилар Фестивали

Оққўрғон тумани фермерлар уюшмасига қарашли спорт мажмуасида умумтаълим мактабларининг 4-7-синф ўқувчилари ўртасида спорт фестивали бўлиб ўтди.

Улар спортнинг мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, кураш ва узоққа югуриш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомиёларнинг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Мавлон ИКРОМОВ.

Келин- куёвлар

Бўстонликдаги «Металлург» ҳамда «Олтин олма» оромгоҳларида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташкил этган мазкур кўрик-танловда 130 нафар ёш келин-куёв иштирок этди.

Танловнинг бир неча шартларини муваффақиятли бажарган бекободлик Мадамминовлар оиласи фахрий 1-ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Мўмин ИБODOV.

Тайёргарлик СОЗ Бўлса...

Янгийўл шаҳрида кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик кўриш ишлари жадал бормоқда.

Бугунгача қарийб 7 миң метр сув қувурлари мукамал таъмирланди. Кўпқаватли аҳоли турар-қой бинолари, таълим-тарбия муассасаларини соз ҳолатга келтириш ҳам эътибордан четда қолмапти.

Шунингдек, 8 та қозонхона ҳамда 128 та газ тақсимловчи мослама мутахассислар кўригидан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Азиза АБДУЛЛАЕВА.

ВАКИЛИМИЗ – ВЕЛОМАРАФОН ҒОЛИБИ

Вилоятимизнинг Янгибозор худудида веломарафон мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда велоспорт федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган 71 спортчи иштирок этди.

Кескин ва мурасасиз кечган баҳсларда вилоятимиз вакили Денис Шайманов марра чизгини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Яна бир вакилимиз Ирлан Нурматов веломарафоннинг «Энг ёш иштирокчиси» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Отаёр ТОҒАЕВ.

ФЕРМЕРЛАР

ПОЙТАХТГА КЕЛИШДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида «Uzbekistan AgrominTech Expo – 2006» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси тобора қизгин түс олмақда. Айтиш жоизки, мазкур кўргазма юртимиз аграр тармоғининг

истиқболли мулкдорлари учун чинакам имконият ва қулайликлар яратаяпти. Бошланган ойнинг дастлабки икки кунни кўргазма савдосига вилоятимизда фаолият юритаётган агрофирмалар, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар ташриф буюришди.

Барча туман ва шаҳарларимиздан ҳар куни 350-400 нафар атрофида ишбилармонлар келиб, хорижий компания мутасаддилари билан бево-сита, эркин музокара-ларга киришганлари, савдо павильонлари анча гавжумлашгани вилоятимиз вакилларининг кўргазмага қизиқиши катта бўлаётганидан далолатдир.

Дастлаб вилоятимизнинг турли худудларида иш юритаётган тадбиркор ва фермерлар гуруҳи вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошчилигида азим пойтахтнинг диққатга сазовор гушаларида бўлишди. Хусусан, «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ҳамда Мустақиллик майдонидagi Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гулчамбарлар қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг махсус қарори ва ташаббуси билан ташкил этилган кўргазма-



савдо юртимизда фермерликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг амалий ифодасидир, – дейди фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакили раҳбари Тўлқин

Тўраев. – Фермерларимизни агротехник ускуна ва механизмлар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган минитехнологиялар кўпроқ қизиқтир-

лари икки кун мобайнида хорижий ва маҳаллий компания ва фирмалар билан жами 567 та Ўзаро манфаатли шартнома имзоландилар. Уларнинг умумий қиймати 19 миллиард сўмдан ошди. Эътиборли жиҳати, тузилган шартномаларнинг юзга яқини фермер хўжаликларида тайёрланаётган маҳсулотларни қайта ишловчи замонавий минитехнологиялар хариди юзасидандир.

Бево-сита кўргазма доирасида вилоятимиз вакиллари учун амалий семинар ҳам ташкил этилгани айни мuddао бўлди. Унда хорижий ишбилармонлар, юртимизда иш юритаётган банк ва молия муассасалари мутасаддилари маърузалар билан қатнашиб, кичик бизнес субъектларининг минитехнологиялар

(Давоми 2-бетда).

Таабир

Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг вилоят кенгаши сиёсий таълим маркази томонидан ташкил этилган амалий семинар «Жойларда фуқаролик жамияти институтлари билан ишни ташкиллаштиришда ЎзЛиДеп депутат гуруҳларининг вазифалари» мавзусига бағишланди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, нодавлат ношаро ташкилотлари вакиллари, сиёсатчилар ҳамда партия фаоллари иштирок этишди. Семинар қатнашчилари «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий, маънавий белги ва тамойилларини шакллантириш жараёнлари» мавзусидаги маърузани тинглаб, фуқа-

ролик жамиятининг назарий-ҳуқуқий асоси, фуқаролик жамияти институтлари, ННТ, ОАВ, маҳалла, оила, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот омили, фуқаролар он-гаида демократик қадриятларини мустаҳкамлаш ва аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Сайёра РИХСИЕВА.

Обуна — 2007

БИЗ ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙМИЗ

дейишди Олмалиқ тиббиёт коллежи талабалари ўзларининг сеvimли наشري – «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна ҳақида гап борганида

– Вилоятимиз спортчи ёшларининг соҳадаги ютуқларини, миллионлар йўлини – футболнинг ва сеvimли жамоаларимизнинг бугунги ўрни ва эгалланган мавқеи билан фаол тарғиботи – матбуот орқали танишиб борамиз, – дейди коллеж талабаси Гулғаз Сардалиева. –

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарини шу боис ҳам доимий ҳамроҳим деб биламан. – Обуна мавсумидан биз талабалар ҳам четда қолаётганимиз йўқ, – дўгонларининг сўзига қўшилишди Лариса Ким, Елена Хан ҳамда Алие Муста-

фаева. – Кўпчилигимиз вилоятимизнинг ягона нашрига келгуси йил учун обуна бўлишга аҳд қилдик. СУРАТДА: коллеж талабаларидан бир гуруҳи «Тошкент ҳақиқати»нинг янги сони билан танишмоқдалар. Мунаввара ИСОҚУЛОВА олган сурат.

2007 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг
индекс – 205.



ЎЗАРО МУСТАҲКАМ ИШОНЧ – МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг илк мажлиси деб аталди.

– Ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилдик, – деди Ислам Каримов. – Қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиб, уларга нисбатан умумий ёндашувларимизни баён қилдик.

Музокарада Қозоғистон Президентининг ўзининг АҚШга ташириги яқунлари билан Ўзбекистон раҳбарини таништиригани маълум қилинди. Шу билан бирга, Афғонистон, Ироқ ва Эрондаги вазият юзасидан фикр алмашилган. МДХ саммитига тайёргарлик, уни ислоҳ этиш борасидаги ёндашувлар муҳокама қилинган. Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилиши кераклигини ҳусусида Президентларнинг фикри бир жойдан чиққан.

Нурсултон Назарбоев жорий йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида давлат ташириқлари бўлиб ўтганини, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бу йил 30 фоиз ўсишини таъкидлади.

– Тўққиз ой яқунларига оид

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсаткич 450 миллион АҚШ долларидан ошди, – деди олий мартабадаги меҳмон. – Биз йиллик товар айланмаси ҳажмини бир миллиардга чиқариш ниятидамыз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳукумат органларига тегишли топшириқлар беришга қарор қилганларини таъкидладилар. Хусусан, чегарага туташ ҳудудларда савдо шохбчаларини очиб, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдонини янада ривожлантиришга келишиб олинган. Эркин савдо тартибидан истисно қилинган маҳсулотлар рўйхатини қисқартириш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу ҳам товар айирбошлаш ҳажмини янада орттиришга хизмат қилади.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев сўвдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалалар муҳокама қилинганини таъкидладилар.

Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчихоналарга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳам-

корликни кенгайтиришга келишиб олингани маълум қилинди.

– Биз келгусида ҳам шундай учрашувлар ўтказиб турамыз, – деди Ислам Каримов. – Ўзаро мулоқотга эҳтиёж туғилса, муайян жойда учрашиб, мавжуд муаммоларни мана шундай музокара орқали тезкорлик билан ҳал қилишга тайёрмыз. Бу каби амалиёт халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда, ўзаро ишонччи мустаҳкамлашда, муайян масалаларга нисбатан умумий ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

– Биз буюк қўшнилариимиз, – деди Нурсултон Назарбоев. – Лекин ўзаро келишиб ечилиши лозим бўлган масалалар пайдо бўлиб туриши ҳам табиий ҳол. Шу боис ташқи ишлар вазирларига мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш тўғрисида топшириқ бердик.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг ушбу баёнотлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ва ҳар икки мамлакат манфаатларига мос ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

Давра сўхбати

Олмалик шаҳар ҳокимлигида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамда нодавлат но-тижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партиялар ва ННТларнинг истикболдаги вазифалари» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

Баҳо ва мунозаралар асосида ўтган тадбирда хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасида эришаётган ютуқларини рағбатлантириш, корхоналарда, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар учун қўлай шароитлар яратиш, жойларда янги иш ўринларини очиб, касаначиликни кенг қўламли ташкил этиш каби масалаларда сиёсий партиялар ва хотин-қизлар кўмиталарининг жамоат ташкилотларини билан ҳамкорликдаги қўмағи ва бу борада амалга оширилган наватбадаги вазифалар ҳусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Мунаввара
РАЖАБОВА қизи.

Муносабат

МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТИ — ДАВР ТАЛАБИ

Мустақилликда кечган 15 йиллик ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даврида халқимиз жиддий синовларни бошдан кечирди ва кўп жабҳаларда мислсиз ютуқларни қўлга киритди. Бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат қуришга изчил суръатда киришилди. Мамлакатимиз жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топди.

Ватанимиз мустақилликни қўлга киритган давлат кунлариданоқ миллий анъана ва қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклашга киришилди. Адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат соҳаларига устувор аҳамият берилди бошлади. Шу билан бирга, миллий маданиятимизнинг умуминсоний қадриятлар билан ўзгаришга эришилди. Иқтисодий-иқтисодий жамиятимиз маънавий ҳаётида янгилаш ва ўзгариш юз берди. Миллатлараро тотувлик тикланди, диний қадриятларга муносабат ўзгарди.

Кун сайин ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда жойларда маънавият, маърифат, миллий гоя ва миллий мафкура асосларини очиб берувчи жонли мисоллар билан тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришимиз зарурлигини даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2006 йил

августдаги «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридан бу масала алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, глобаллашган дунёда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда кучли сиёсий маданиятни шакллантириш муҳимдир. Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати белгилангани айни мuddао бўлди. Эндликда, ҳар бир ҳудудда вилоят ҳокимларининг ёрдамчилари бевосита маънавий-маърифий тарғибот ишлари билан шуғуллангани ташкилот ва муассасалар фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб боради. Вилоят Маънавият тарғибот маркази, унинг шаҳар ва туман бўлимлари зиммасига бундан буён

Дарҳақиқат, маънавий тарғибот кучли восита. Бунга бефарқлик билан қараш ярамайди. Зеро, миллий гуруҳ, қомил инсон тарбияси билан боғлиқ тўғу ва тушунчаларни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига синдириш буюк қадриятларимиз ҳамда миллий ўзгичлигимизни англаш сари дадил қадамдир.

Суяр ҚУРБОНКУЛОВ,
Республика
Маънавият, тарғибот
маркази вилоят
бўлими раҳбари.



ФЕРМЕРЛАР ПОЙТАХТГА КЕЛИШДИ

ва ихчам ускуналарни сотиб олиши учун молиялаштириш ва кредитлашнинг ташкил этиш юзасидан тегишли маълумотлар бердилар. Шунингдек, ўз технологияларини таклиф этаётган фирма ва компаниялар раҳбарлари ускуна, механизмларнинг афзаллик-

(Давоми. Боши 1-бетда).



билан мазкур кўргазмага шунчаки томоша ёки саёҳат учун келмадик, – дейди фермер ҳўжаликлари уюшмаси Бўстонлик туман вакиллари раҳбари Шавкат Холмуродов. – Бу ерга келган 70 дан ортиқ фермерларимизнинг ҳар бири қандайдир истиқболли шартнома билан қайтишни мақсад қилган. Ҳозир

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.
СУРАТЛАРДА: пойтахт эрибати ва кўргазма савдо жараёнидан лавҳалар.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент давлат аграр университетиди Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон цивилизацияси ривожиди тугган ўрнига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда аграр соҳа олимлари билан бирга шарқшунос, тарихшунос ва манбашунос олимлар иштирок этди.

Анжуманда Хоразм Маъмун академиясининг

тарихи, унда ижод этган олимлар илмий меросини аҳамияти, академияда бугунги кунда олиб борилаётган илмий изланишлар, ҳамкорлик самараларига бағишланган маърузалар тинланган.

ЎЗА.

Анжуман

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсади ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодиёт соҳаларидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш» концепциясига мувофиқ ўтказилди.

Ушбу конференцияни ташкил этишда мақсад халқаро ҳуқуқий нормалар ва умумэтироф этилган принципларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг ҳуқуқий табиатини назарий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши самардорлигини ошириш механизмларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ сўзсиз бажарилиши лозим бўлган қарийб 190 дан ортиқ кўптомонлама халқаро шартномаларга қўшилди, миндан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномаларни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ўз зиммасига олган мажбуриятларга риоя

этиб, уларни самарали бажариб, БМТ Низоми талабларига ва умумэтироф этилган нормаларга қатъий амал қилиб келмоқда.

Конференция қатнашчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш амалиёти ушбу соҳада олиб борилаётган илмий фаолиятдан илгариланганлиги, яъни халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликда қўллаш масалаларига доир илмий-тадқиқот ишларига етарлича эътибор берилмаётганлиги, шунингдек, бу борада махсус адабиётлар билан тўлиқ таъминланганлиги эътироф этилди. Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида халқаро-ҳуқуқий нормалардан, яъни шартномаларни, халқаро одат нормалари ва халқаро ташкилотларнинг мажбурий резолюцияларидан фойдаланиш бўйича махсус адабиётларнинг етишмаслиги таъкидланди.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари аукцион савдоларига Давлат мүлкү қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг буйруқларига асосан қуйидаги автотранспорт воситаларини қўяди:

Ангрен шаҳар молия бўлимига қарашли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АЈ 164 бўлган «Тико» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 960 000 сўм.

Ҳамда Тошкент вилояти «Янгийўл» агрофирмаси ОАЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

– 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 728 бўлган «ГАЗ-6611» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 649 431 сўм.

– 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 447 бўлган «ГАЗСАЗ-3507» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 797 589 сўм.

– 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 448 бўлган «ГАЗСАЗ-350702» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 797 589 сўм.

– 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 457 бўлган «МАЗ-504» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 046 510 сўм.

– 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 727 бўлган «ЗИЛ ММЗ-45021» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 212 023 сўм.

– 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АР 452 бўлган «ГАЗ-53» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 649 431 сўм.

– 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АС 018 бўлган «ЗИЛ-130» рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 110 630 сўм.

– 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 39-73 ТШ бўлган «ОДАЗ-9370» (тиркама) рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 473 080 сўм.

– 1987 йилда ишлаб чиқарилган «КАЗ-717» (тиркама) рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 473 080 сўм.

– 1986 йилда ишлаб чиқарилган «КАЗ-717» (тиркама) рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 473 080 сўм.

– 1986 йилда ишлаб чиқарилган «КАЗ-717» (тиркама) рўсумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 473 080 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридида закалат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур туман филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 хисоб рақамига тўлайдилар. Аризаларни қабул қилиш ер майдонларига савдодан 3 кун аввал ва автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А-уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 133-23-40.

Фуқароларнинг маънавий-маърифий салоҳияти юқори бўлган юрт тараққиёт йўлидан ҳеч қачон огишмайди, гуллаб-яшнаб бораверади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг маданий-маърифий тафаккурини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, турли амалий тадбирлар ўтказилаётгани бежиз эмас.

ВАТАН – МУҚАДДАС



Вилоят «Турон» ахборот-кутубхона маркази, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, республика Ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда ташкил этган адабий-музыкавий кеча «Ватанга фидо қилган жонингиз» мавзусига бағишланди. Республика ўқувчилар саройи биносида ўтказилган кечага фан ва санъат арбоблари, олимлар, ижодкорлар, вилоят кутубхоналари раҳбарлари таклиф этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда янги ҳуқуқий демократик давлат ва эр-

кин фуқаролик жамияти қуриш йўлида қисқа даврда эришилган ютуқлар, миллий ўзгичлигимизни авайлаб-асраш, буюк аجدларимиз қолдирган бебаҳо мерос, муқаддас анъана ва қадриятларимизни янада бойитиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар.

Ўзбекистон халқ шoirлари Усмон Азим ҳамда Иқбол Мирзо ўқиган Ватанга, она заминга муҳаббат мавзусидаги янги шеърлар ва санъаткорларнинг чиқишлари кечага ўзгача руҳ бағишлади.

СУРАТЛАРДА: адабий-музыкавий кечадан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 8 columns: ДУШАНБА 6, СЕШАНБА 7, ЧОРШАНБА 8, ПАЙШАНБА 9, ЖУМА 10, ШАНБА 11, ЯКШАНБА 12. Each column contains a list of TV programs with their start times and channel names like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, ТОШКЕНТ, СПОРТ.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Table with 5 columns: №, Объект номи, Бошланғич баҳоси, сўм, Объект қайси корхона ёки ташиқлотга тегишлилиги, Объектнинг қисқача тавсифи, Автомототранспорт воситаси сақланаятган жой. Contains details of property auctions.

СЕНИНГ ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНГ, ТАШАБУСЛАРИНГ БОР! "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими Кенгашининг ишчи гуруҳига ҳаракатнинг Дастур ва Низомига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларингизни билдириг! Includes contact info: Телефонлар: 142-20-27, 142-02-97.

